

НУР КАЛЪАСИ

Йигитали Кароматиллаевич Баҳриддинов

Нурота табиий меъморий мажмуаси музеи илмий ходими

Баҳодир Қахрамонович Рӯзиев

Нурота табиий меъморий мажмуаси музеи Фонд сақловчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Нур Қалъаси ҳақида илмий бадии тарихий маълумотлар батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Сўғдиёна, Зарнуқ, Мовароуннаҳр, Пироста, Пашибот, Сўғд, Нур

Нур қалъаси милоддан аввалги замонларда бунёд бўлган.

(Академик Я.Фуломов)

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Нур қалъаси Ўрта Осиёда исломга қадар қурилган антик меъморий ёдгорликлардан бири саналади. Маҳаллий халқ ушбу обидани «Қалъаи Искандарий» деб Искандар номи билан боғлайди. Шунинг учун бўлса керак, халқ оғзида Искандар ҳақида қўплаб ривоятлар юради. Дарҳақиқат Искандар Зулкарнайн босқинчиларининг изи колган Нур қалъаси Мовароуннаҳр тарихининг зархал сахифаларини ташкил этади.

Нур – қадимдан Бухоро ва Самарқанд воҳасига кириш учун Жиззахдан сўнг иккинчи дарвоза ҳисобланган ва ўзининг истеҳкомлари билан машхур бўлган. Тарихий асарларни ўрганаар эканмиз, Нурато ҳарбий стратегик ахамиятга молик йирик савдо нуқтаси бўлиб кўз ўнгимизда гавдаланади.

Нурато тизма тоғлари қадимги Сўғдиёна ва Бухоро воҳасини мустаҳкам девордай тўсиб турган. Шунинг учун қадимги Зарафшон водийсига олиб кирадиган икки йўл – Жиззах якинидаги Темир дарвоза ва Нурда ҳарбий истеҳкомлар қурилган.

Ўтмишда Нур орқали катта ҳарбий ва маданий ахамият касб этган тош йўл ўтган. Бу тош йўл орқали карvonлар Бухорога, ундан сўнг Жанубий Қозоғистон ва Еттисувга чиққан.

Нур Бухоронинг шимолидаги чекка шахар бўлиб, у маданий ўтроқ ахоли ва кўчманчи халклар яшайдиган худуднинг чегарасида жойлашган. Шу туфайли қадимги тош йўл орқали Нурга қўплаб карvonлар келиб тўхтаган. Савдо-сотиқ ривожланган. Айтишларича карvonлар асосан Нур яқинидаги Пашибот деган манзилгоҳда тўхтаган ва у ерда катта бозор бўлган. Нур орқали ўтган қадимги тош йўлни Буюк ипак йўлининг бир тармоқи деб аташ ҳақиқатдан узок эмас. Карvonлар Нурда нафақат савдо, балки шифобаҳш сув ғамлаб олиш учун хам тўхтаган. Худди ана шу йўл орқали Бухорога Чингизхон қўшини хам ўтган.



Ривоятларга қараганда, Чингизхон узоқдан тоғ тепасига қурилган Нур қалъасини кўриб тайсалланган, шаҳарни ўраб турган Пироста деворлари ҳақида эшитгач, шаҳарга кечаси хужум қилишни буюрган. Шаҳарликлар маст уйқуда ётганларида Нурга мўғуллар кирган. Шаҳар ахолиси эса хар вақтдагидай Нурга бирор катта карвон кирган бўлса керак, деб ўйлаган. Маҳаллий халқ тилида сақланиб қолган ривоятни «Ўзбекистон халклари тарихи» (I жилд «Фан» нашриёти, Тошкент, 1992) китобидаги маълумот тўлдиради:

«... қиши пайти эди. Чингизхон сувсиз чўлни энг киска йўл билан босиб ўтди. Йўлида Зарнуқ деган калъя учради... шу ерда бир сотқин топилиб йўлбошчилик килишга ва мўғулларни Зарафшоннинг ўнг соҳилидаги Нур шаҳрига энг қисқа йўл билан олиб ўтишга ваъда берди. Бинобарин мўғулларнинг Нур деворлари остида пайдо бўлиши шу қадар кутилмаган ҳодиса эдики, ахоли аввалига карвон келди деб ўйлади. Кейин қаршиликсиз таслим бўлди. Шаҳар таланди ва 1500 динор товон тўлашга мажбур қилинди. Нурдан Бухорога бир қадам эди. 1220 йил февралида мўғуллар Бухоронинг девори остида туришарди».

Херман Вамберининг ёзишича, Чингизхон Нурга туркман қуловузларининг ёрдами билан кирган ва у келган йўл кўп замонларгача «хон йўли» деб аталган.

Х.Вамбери ёзади: 1220 йил январ ойида Чингизхоннинг олдинги мунтазам қўшинлари Нурга яқинлашди. Қалъага хужум килиш учун Тохир Баҳодир исмли ё мусулмон, ё турк раҳбарлигига Нур атрофидаги ўрмонларда узун нарвонлар ясалди. Шахар атрофига маҳаллий халқнинг боғлари бўлиб, Нур ахолиси баҳор кириб келиши биланоқ ўз чорбоғларига кўчиб боришган.



Мұғулларнинг келиши шаҳарликлар учун кутилмаган ҳолат бўлган. Нуратоликлар мұғулларни савдо карвони деб ўйлаган, хатоларини англаганларида, мұғуллар шахарга яқинлашган эди. Мұғуллар нарвонларни отда ва қўлда қўтариб шаҳар деворига қўйдилар. Тохир Баходир нуратоликларга: ҳақиқатан хам кучли мұғул хони келадир. Агарда шаҳар аҳолиси қаршилик қилмаса, у бир неча кун қолади, – деди. Кўп ўтмай Нур шахри дарвозалари очилди. Мұғуллар шахарга кирдилар. Шу вактда Бисмиллахон Нурда бек эди. Буйруқга мувофиқ шаҳар аҳолиси шаҳардан чиқарилди. Мұғуллар уйларни таладилар. Аммо одамларни ўлдирмадилар. Чингизхоннинг буйруғи билан шаҳар Субутой баҳодирга топширилди. Нур халқи Чингизхонга 1500 динор солик тўлади. Чингизхон Нурдан сўнг Бухорога кетди. Чингизхон Бухорода кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни қилди.

Чингизхоннинг Нурга келганлиги тўғрисида Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида ҳам маълумот келтирилади:

«... Чингизхон Зарнуқни олгач, Нурга келди. Нур халқи қалъага қамалдилар. Ундан элчилашиб ҳалқ қалъадан чиқиб яхши пешкашлар билан келиб хонни кўрди. Хон хам ул ҳалққа иноят шафқат қилиб ҳукм қилдиким, «сен ҳалқ ўзингга етгулик уруғ ва қўш ҳўқизингни олиб қалъадан чиқгил. Қолган молингни лашкар таласин». Ҳалқ қалъадан чиқди. Қолган молларини хоннинг лашкари талаб олди.

Нур қалъаси Бухоро ва Самарканд йўлидаги истеҳком бўлиб шаҳар ўрта асрларда «Нури Бухоро» деб ҳам юритилган.

Нур қасрини, – деб ёзади археолог Б.Ўроков, – Искандария ҳам дейишади. Чунки уни Искандар Зулқарнай қурдирган. Нур қасри унинг арқидан жанубда, ундан 150 метр узокликда Оқтов чўққиларининг бири устида қурилган.

Академик В.А.Нильсон (1953 йил), академик Я. Ғуломов (1968 йил) томонидан олиб борилган археологик қазишималар натижаси шуни кўрсатадики, қалъанинг остки маданий қатлами эрамиздан олдинги асрларда бино бўлган. 1974 йил археолог О.М.Ростовцев бошчилигига қалъада қазишишлари амалга оширилган. Эрамизнинг I ва IV асрларига оид археологик ашёлар топилган.

Нур қалъаси машхур нур чашмасининг устки кисмида сув бошига эгалик килиш, душман қамалига бардош бериш мақсадида қурилган. Қалъанинг ички қурилишлари яхши сақланмаган. Қалъанинг энг баланд минораси бўлган кузатув масканидан тўрт томон яққол кўриниб турган. Кузатув пункти 26x26 метрни ташкил этади. Кузатув пункти ва арк 12 метрли усти йўлак бўлган қалин пахса девор билан туташтирилган. Деворнинг қалинлиги тахминан 14-16 метргача бўлган.

Қалъа қурилиш тарихига кўра ўзига хосдир. У етти қароқчи юлдуз туркумiga мос равища 7 та минора ва уларни бирлаштирувчи йўлаклар билан бирлаштирилган. Энг жанубдаги ва тоғнинг юкорисидаги минора қутб юлдузига

мос қилиб қурилган, у асосий минора бўлиб, у ерда Нур бекларининг қароргохи жойлашган.

Нур чашмасининг бир қисм суви қалъанинг остидан оқиб келади. Махаллий отахонларнинг айтишларича, агар қалъа душман томонидан ўраб олинса қалъадагилар ҳеч сувсиз қолишмаган. Тахминан қалъанинг ўрталарида аскарлар махсус зина билан тушиб, қалъа остидан оқиб ўтаётган чашма сувидан олиб чиқишиган.

Нур қалъасининг асосий меъморий иншоотлари IV-VII асрларда қайта тикланган. VIII асрларда Нур қалаъси араблар томонидан бузиб ташланган ва Сомонийлар даврида яна қайта тикланган. Нур қалъаси XVII асрларда янада мустахкамланиб, қадимги пойдевор устига яна кузатув пунктлари қурилган. Қалъа асосан хом ғишт ва тошдан қурилган.



Нур қалъаси кўплаб лашкар ва ахолини ўз ҳимоясига олган. Сомонийларнинг душман томонидан тор-мор этилган охирги вакили Мунтасир Нурга келиб жойлашган ва 1004 йилга келиб Дабусиядаги душманга қарши хужум уюштирган.

1451-1457 йилларда Нур хокими Пирко мўфул, 1463 йилда Мухаммад Жўки, (Улуғбекнинг ноқобил фарзанди Абдуллатифнинг ўғли), 1458-1462 йилларда Нурсайдбек бўлган. Улар хам шу қалъадан туриб Нурни идора этганлар.

Нур қалъаси Марказий Осиёдаги қўпчилик антик ёдгорликлар қаторидаги ҳали тўла ўрганилмаган тарих хазинаси бўлиб, у ўз сирларини ҳали батамом очган эмас. Келажак авлод бу қўҳна тарих хазинасининг қалитини қўлга киритса ажаб эмас. Зеро Искандар Зулқарнайнга карши Ўрта Осиё халқларини мардонавор курашга отлантирган сўғд баходири Спитамен ва унинг сафдошлари сиймосини яратиб, боболар руҳини шод этсак деган орзуйимиз бор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нур тарихи саҳифаларидан Ш.Исмоилзода, Р.Ахмедов
2. Нур қиссаси Ш.Исмоилзода, Р.Ахмедов